

Ийдул Фитр тухфаси: порталимизда янги сайт



00:07 / 26.06.2017 6536

Ийдул Фитр тухфаси: порталимизда янги сайт

Бандаларига нафсни поклаш, ахлоқни сайқаллашни буюрган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Нафсни поклашда умматларига ўрناق бўлган, хулқлари Қуръон бўлган, Робби «Сен улуғ хулқдасан», дея мадҳ қилган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога дурудуду салавотлар бўлсин!

Азиз опа-сингиллар, муҳтарам азизлар, мўмина-муслималаримизнинг севимли **муслимаат.уз** саҳифаси ижодкорларидан Ийдул Фитр тухфасини қабул қилинг: порталимизда нафсни тазкия қилиш, ахлоқни сайқаллаш илми – тазкиятун-нафс илмига бағишланган янги саҳифа – **тазкия.уз** сайти иш бошлади.

Ушбу сайт эзгу ният билан – Роббимизнинг розилиги йўлида улуғ аллома, устозимиз, падари бузрукворимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг тасаввуф илмига, тазкиятун-нафс илмига оид улкан илмий меросини ўрганиш ва ўргатиш нияти билан ташкил қилинди.

Тазкия.уз сайти Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал, қиёматга қадар боқий қолувчи, барча замону маконларга хос, инсониятни икки дунё саодатига етакловчи Ислом динининг буюк тасаввуф уламулари томонидан тартиб берилган руҳий тарбия таълимотига бағишланган. Руҳий тарбия илми – динимизнинг Қуръони Карим ва Суннат асосида баён қилиб берилган руҳий-маънавий ва ахлоқ-одобга оид таълимотларидир.

Динимиздаги жисмоний ибодатлар «шариат» деб аталиб, унинг тафсилотларини фикҳ илми баён қилиб берса, руҳий-маънавий қисм «тазкиятун-нафс» – «нафсни поклаш» деб аталиб, инсонга нафсни, қалбни, руҳни, шахсиятни поклаш, фазилатларга эга бўлиш ва разолатлардан холи бўлишни ўргатади.

Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзидан илтижо қилиб, ёрдам ва тавфиқ сўраган ҳолда бошланаётган ушбу камтарона уринишни даргоҳида ҳусни қабул айлашини, бардавом қилиб, барчамиз учун манфаатдор этишини сўраймиз.

Азизлар, барчангизни Рамазони шарифнинг якуни бўлмиш Ийдул Фитр байрами билан муборакбод этамиз ҳамда тазкия.уз сайтига ташриф буюриб, динимизнинг қалбни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги таълимотларини ўрганишга таклиф этамиз.